



XX АСР МУСИҚАСИДА КОМПОЗИТОРЛИК ТЕХНИКАСИ ВА УСЛУБИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Дилмуродова Арофат

Ўзбекистон давлат консерваторияси

2-курс магистранти

Илмий рахбар: доцент в.б.

Кабдурахманова Л.Б.

Аннотация:

XX аср мусиқаси ва композиция жараёнидаги услубий ва техник хусусиятлар таҳлил қилинади. Мақолада импрессионизм, экспрессионизм ва неоклассизм каби йўналишлар, шунингдек, композиторнинг шахсий услуби ва техникаси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар:

XX аср мусиқаси, композиция техникаси, импрессионизм, экспрессионизм, неоклассизм, композитор услуби, анъана ва тажриба, замонавий ижод.

XX аср мусиқаси турли услубий йўналишлар ва эстетик қидирув билан тавсифланади. Бу даврда композиторлар ўз ижодида анъанавий элементлар ва янги тажрибаларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилишган. Когоутекнинг назариясига кўра, композиция жараёнида анъана ва тажрибанинг уйғунлиги асосий аҳамиятга эга, чунки бу уйғунлик асарнинг техник ва эстетик сифатига таъсир қилади. Шунингдек, Энтелис таъкидлайдики, замонавий композитор фақат шахсий ҳис-туйғуларни эмас, балки жамият ва замон руҳини ҳам асарида акс эттириши керак. XX аср мусиқасида импрессионизм композиторларга тон ва гармония орқали янги эмоционал ҳолатлар яратиш имконини берди. Ушбу йўналишда мелодик ва ритмик тузилмалар анъанавий



назарий қоидалар асосида шакллантирилади, аммо улар замонавий эмоционал эффектлар билан бойитилади.

Экспрессионизмда эса ички психология ва драматик характери устувор бўлиб, асарлар орқали шахсий ва ижтимоий кайфият намоён қилинади. Неоклассизмда анъанавий формалар сақланиб, улар замонавий усуллар орқали тақдим этилади. Когоутек таъкидлаганидек, бу жараёнда шахсий тажриба ва анъанавий билимлар уйғунлаштирилади, шу билан асарнинг услубий ва техник жиҳатлари мукаммаллаштирилади.

Балмонтнинг фикрига кўра, муסיкий тафаккур ва образлар асар маъносини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, бу эса Когоутек назарияси билан узвий боғлиқ. Композиторлик жараёни ва услубий йўналишлар эса, композиторлар турли техник ва услубий қидирувларни синаб кўрганлар. Когоутекнинг назариясида композиция жараёнида шахсий услуб, анъана ва тажрибанинг уйғунлиги асосий аҳамиятга эга бўлади. Ушбу принцип импрессионизм, экспрессионизм ва неоклассизм асарларида кўриниши билан, ҳар бир композициянинг уникал услубий хусусиятини шакллантиради. Энтелис фикрига кўра, замонавий композитор фақат техника ва услубни эмас, балки давр руҳини ҳам асари орқали намоён қилади. Когоутекнинг фикрига кўра, «композиция – бу анъана ва тажрибанинг уйғунлиги», яъни ҳар бир асарда муаллифнинг шахсий тажрибаси ва анъанавий билимлар асосий ўрин тутади. Л. Энтелис эса замонавий композиторни давр руҳининг таржимони деб билади.

Бу эса XX аср муסיқасини шахсий ижодий қарашлар ва турли услубий йўналишларнинг уйғунлиги сифатида ўрганиш имконини беради. Шу боис XX аср муסיқасида ҳар бир асарда композиторнинг шахсий тажрибаси ва услубий қарашлари асосий ўрин тутади. Когоутек ва Энтелиснинг таҳлиллари асосида, XX аср композициясида янги гармония, ритм ва формалардан фойдаланиш асарларнинг услубий бойлигини таъминлайди. Масалан, импрессионизмда



тон ва динамика орқали янги ҳис-туйғулар яратилади, экспрессионизмда ички психология ва драматик характери алоҳида эътиборга олинади, неоклассизмда эса анъанавий формалар сақланиб, улар замонавий техника билан уйғунлаштирилади. XX аср муסיқаси ва композиторлик жараёнида шахсий услуб ва анъана ҳамда тажрибанинг уйғунлиги асосий аҳамиятга эга.

Когоутекнинг назарияси ва Энтелиснинг фикрлари асосида, замонавий композитор давр руҳини асар орқали таржима қилади ва шу билан бирга шахсий ижодий ёндашувини ҳам қўллайди. Импрессионизм, экспрессионизм ва неоклассизм йўналишлари орқали композиция жараёнининг техник ва эстетик жиҳатлари чуқурроқ намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века. — М.: Музыка, 1976. — 410 с.

Энтелис Л. Силуэты композиторов XX века . — 1975

Балмонт К. На вершинах искусства. — М., 1911. — 215 с.

Друскин М. С. О западноевропейской музыке XX века. — М.: Музыка, 1973. — 302 с.